

Абдулқодир ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини ақоид фани ўқитувчиси

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ АСАРЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Аҳли сунна вал жамоанинг икки ақидавий йўналишидан бири мотуридия мазҳаби ҳисобланади. Бу мазҳаб асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий шаръий илмларнинг учта йўналиши бўйича асарлар таълиф этган:

1. Тафсир;
2. Усулул фикҳ;
3. Ақоид.

Тафсир йўналиши бўйича “Таъвилоту аҳл ас-сунна” (Аҳли суннанинг тушунтиришлари) номли улкан тафсир ёзган. Бу тафсирда Қуръон оятлари тафсиридан ташқари, эътиқодга, усулул фикҳга ва фикҳга тегишли ҳукмлар ҳам маҳорат билан очиқ берилган. Қуръон оятларини кўпинча оятлар билан тафсир қилган, айрим ўринларда ҳадислар билан ҳам тафсир қилган. “Таъвийлоту аҳли сунна” тафсирини ҳам аср уламолардан Муҳаммад Зоҳид Кавсарий: “Бу китоб ўз бобида унга тенги йўқ бўлган китобдир”, – дея мадҳ қилган. Абу Мансур Мотуридий “Таъвилот аҳл ас-сунна” тафсирида жуда кўплаб ҳикматли гапларни келтирган,

улардан намуна сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- Аллоҳ таоло бандаларини улар учун манфаатли бўлган нарсаларга буюради ва уларга зарар етадиган нарсалардан қайтаради;
- Дунё яхшиликлари илм ва ибодатдир, охират яхшиликлари жаннат ва мағфиратдир;
- Қуръон шифо изловчилар учун дунёда шифодир, уни (ҳукмларини) маҳкам тутганлар учун раҳматдир;
- Дунёдаги нарсалар иккита нур орқали – қалб нури ва ҳаводаги нур орқали кўринади. Кофир кимсанинг қалб нуруни зулмат тўсиб қўйгани сабабли Қуръоннинг нури ва шифосини кўра олмайди. Мўмин эса унинг шифоси ва нуруни иймони нури орқали кўради.

Абу Мансур ал-Мотуридий усулул фикҳ йўналиши бўйича “Маъхозуш шароиъ” (Шаръий ҳукмлар манбаси) ва “Жадал” (Илмий баҳслар) номли иккита китоб ёзган. Ушбу икки китоб ҳанафий мазҳабидаги қоидалар ва улардан келиб чиқадиган ҳукмларни гўзал суратда жамлаган асарлар, – деб васф қилинган.

Зеро, бу китоблар ҳижрий олтинчи асргача ҳанафийларнинг усулул фикҳ бўйича мурожаат қиладиган асосий манбалари бўлиб келган. Кейинчалик эса ушбу йўналиш бўйича ёзилган Абу Зайд Даббусийнинг “Тақвиймул адилла” ва Фаҳрул Ислом Паздавийнинг “Канзул усул” каби усулул фикҳ бўйича ёзилган асарларнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Уламолар бу икки китобнинг бизгача етиб келмаганини афсус билан ёдга оладилар.

Абу Мансур Мотуридий ақоид йўналиши бўйича кўплаб асарлар ёзган. Бу асарларни ўрганиб чиққан уламолар уларни уч турга ажратганлар:

1. Мақолот (мақолалар);
2. Раддиялар;
3. Аллоҳ таолога иймон келтириш асослари.

Мақолот:

Аслида Мотуридийдан олдин ҳам “Мақолот” (мақолалар) номли бир қанча китоблар ёзилган ва уларда, асосан, Ислом динига мансуб турли фирқаларнинг қарашлари жамланган. Масалан, Абул Ҳасан Ашъарийнинг “Мақолотул исломийин” асари худди шундай асарлар сирасига киради. Баъзи олимлар Абу Мансур Мотуридийнинг “Мақолот” китобини “Китабут Тавҳид” билан битта китоб бўлган, деб ҳисоблашган.

Раддиялар:

Абу Мансур ал-Мотуридий қадарий, мўътазилий ва қарматий каби адашган фирқаларнинг қиляётган даъволарига бирма-бир нақлий ҳамда ақлий далиллар асосида раддиялар қилган. “Баяну ваҳмил мўътазила” (Мўътазилийларнинг нотўғри тасаввури баёни), “Родду алал қаромита” (Қарматийларга раддия) каби асарларида мазкур фирқаларнинг умумий қарашларидаги хатоларни кўрсатиб берган.

Абу Мансур Мотуридийнинг қилган энг улкан хизмати аҳли сунна вал-жамоага қарши чиққан фирқаларнинг даъволарига умумий раддия қилишдан ташқари, уларга батафсил раддиялар қилганидир. Яъни, бу зот ўша пайтларда омма мусулмонларга ташвиш туғдириб турган мўътазилий етакчиларининг асарларига бирма-бир раддиялар ёзиб, уларни “очиқ майдон”да мағлуб қилган. Бунга у зотнинг қуйидаги асарлари яққол далилдир:

– Абу Муҳаммад Боҳилий мўътазилийнинг “Усулул хомса” (бешта асос) китобига, “Родду усулил хомса” (“бешта асос” китобига раддия);

– Абулқосим Каъбий мўътазилийнинг “таҳзийбул жадал” (илмий баҳсларни ўргатиш) китобига, “Родду таҳзийбил жадал” (“илмий баҳсларни ўргатиш” китобига раддия);

– Абулқосим Каъбий мўътазилийнинг “Ваъийдул фуссақ” (Фосиқларга таҳдид) китобига, “Родду “Ваъийдил фуссақ” (“Фосиқларга таҳдид” китобига раддия);

– Абулқосим Каъбий мўътазилийнинг “Аваилул адилла” (Дастлабки далиллар) китобига, “Родду аваилул адилла” (“дастлабки далиллар” китобига раддия) каби асарлар ёзган.

Аллоҳ таолога иймон келтириш асослари:

Абу Мансур ал-Мотуридий Аллоҳ таолога иймон келтириш асослари бўйича “Тавҳид” китобини ёзган. Калом илмига оид энциклопедия дейиш ҳам мумкин бўлган бу китоб мотуридия мазҳабининг асосий қарашларини баён қилувчи асардир. Имом Мотуридийнинг ушбу асари, ундан кейин ёзилган калом китобларига андоза ҳисобланади. Чунки, кейинчалик ёзилган калом китоблари асосан, Имом Мотуридийнинг услубига кўра ёзилгани ва маълумотлар у зотнинг тартибига кўра тартиблангани, инкор қилиб бўлмайдиган очиқ ҳақиқатдир. Мотуридия мазҳабидаги китобларнинг аввалида келадиган “билиш воситалари” мавзусини ҳам дастлаб, Абу Мансур Мотуридий жорий қилган.

Мотуридия мазҳабининг асосий қарашларини баён қилувчи “Тавҳид” китоби

“билиш воситалари” мавзуси билан бошланиб, сўнгра, даҳрийлар, суманийлар, суфастойлар каби фирқаларга раддия беришга ўтилган. Китоб охирида қазо ва қадар, иймон, шафоат, иймон ва ислом масалалари баён қилинган. Мотуридия мазҳабидаги машҳур китоблар бўлган Абул Муин Насафийнинг “Табсиротул адилла”, Умар Насафийнинг “Ақоидун Насафий” каби асарлари “Тавҳид” китоби асосида таълиф этилган асарлар ҳисобланади.

Шу ўринда ушбу асарлар ҳозирги асримиздаги мусулмонларнинг эҳтиёжларни қондиришга ҳам етарлими ёки эътиқодга тааллуқли янги, замонавий асарлар ёзиш зарурати борми? – деган савол пайдо бўлиши ҳам табиийдир. Бу саволга Шайх Муҳаммад Ашраф Али Таҳонавий “Интибоҳотул муфида фи ҳалли иштибоҳотил жадида” (Янги пайдо бўлган шубҳалар ечими ҳақидаги фойдали мулоҳазалар) китобида қуйидагиларни ёзган: “Агар мутакаллимларнинг китобларидаги ақоид ва калом асослари ушбу замонимиздаги эҳтиёжларни қондирмайди, мазкур асослар ҳозирги замон одамларида пайдо бўлаётган шубҳаларни даф қилишга етарли эмас, дейилса, бу гап асло тўғри бўлмайди. Чунки, қадимги калом илмида тузилган асослар кенг қамровли, мустаҳкам асослардир. Агар аҳли илмлар бу асосларни ишлатиб кўрсалар, уларнинг нақадар мустаҳкамлиги аён бўлади. Тўғри, калом илмида кейинги пайтда бўлган шубҳаларнинг ҳар бирига жавоб берилмаган. Чунки, бу шубҳалар калом илми битилган даврларда тасаввур қилинмаган. Аммо, ҳозирги асримизда бу шубҳаларга бирма-бир жавоб беришга эҳтиёж туғилди. Ана шу жиҳатдан, яъни, янги пайдо бўлган саволларга жавоб бериш жиҳатидан (олдинги калом илми асарлари асосида) замонавий калом илми асарлари ёзиш зарурати бор, асло олдинги калом илмининг қоидалари нуқсонли деган жиҳатдан эмас”.

Абу Мансур Мотуридийнинг унвонлари:

Абу Мансур Мотуридийга у зотни яқиндан таниган уламолар ва шогирдлари томонидан

мартабаларини намоён қилувчи кўплаб унвонлар берилган:

- Имомул худо (тўғри йўлга бошловчи);
- Имомул мутакаллимийн (калом илми олимлари пешвоси);
- Мусаҳҳиҳу ақоидил муслимийн (мусулмонларнинг ақидаларидан хатоларни даф қилувчи);
- Роису аҳли сунна вал-жамоа (Аҳли сунна вал-жамоа бошлиғи);
- Носирус сунна ва қомийул бидъа (суннатни ҳимоя қилувчи ва бидъатларни бостирувчи);
- Муваттиду ақоиди аҳлис сунна (аҳли сунна ақидалари асосчиси).

Олдинлари мусулмонлар айрим уламоларни улуғлаб, “Шайхул Ислому” (Ислому дини шайхи), “Фахрул Ислому” (Ислому дини фахри), “Хужжатул Ислому” (Ислому дини хужжати), “Нажмул уламо” (Уламолар юлдузи), “Муфтий сақолайн” (Инсу-жин муфтийси), “Лисонул мутакаллимийн” (Мутакаллимларнинг сўзловчи тили) каби унвонлар билан атаганлар. Бундай аташ асло муболаға бўлмаган. Балки, у муҳтарам уламолар ҳақиқатдан ушбу унвонларга лойиқ бўлганлар. Масалан, “Шамсул аймма” (Имомлар қуёши) унвони берилган Сарахсий роҳматуллоҳи алайҳ ўн икки минг рисолаи ёд олгани нақл қилинган. Шу маънода Абу Мансур ал-Мотуридийнинг мазкур унвонлари ҳам асло муболаға эмасдир.